

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 181 (7. 270)

1990 йил II август, шанба

Ваҳоси 3 тийин.

ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

10 август куни Тошкентда вилоят партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Унда КПСС XXVIII съезди якунлари ва вилоят партия ташкилотининг вазифалари муҳокама қилинди. Тошкент вилоят партия комитетининг биринчи котиби С. Мамарасулдов маъруза қилди. Муҳокама натижалари юзасидан қарор қабул қилинди. Пленум вилоят партия комитети ҳузурида тузилган комиссияларнинг таркибини тасдиқлади. Пленумда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсайдов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

Иқтисодий мавзуда

БУРОМАДДАН ДАРОМАД КЎПРОҚ

Шаҳримизнинг бугунги иқтисодий ҳаётини фойдасиз асло тасаввур этиш мумкин эмас. Бозор иқтисодиётига ўтиш арафасида бу айниқса катта синов эканлиги ўз-ўзидан равшан. Хўш, амалда биз кутган мақсадларга эришяймизми? Бу борада ҳал этилиши зарур бўлган қандай муаммоларнинг бор?

Шуни қувониб айтиш мумкинки, шаҳар «киссаси» тўлиб боришти. Буромаддан даромад кўпроқ, ўтган йилга нисбатан биз кўриб чиққан даврда «пул муносабатлари» режасида «тарози босадиган» ютуқлар кўлга киритилгани кўзга кўринди. Аммо бугун бу ютуқларни «майдалаб» ўтироқчи эмасми: фақат шуни айтмоқчимизки, давлат корхона ва ташкилотларининг фойдалан берадиган тўловлари ўтган йилнинг ярим йиллигига нисбатан 22,1 фоизга ошди.

Бутун шаҳримиз халқ ҳўжалигида корхона ва ташкилотлардан режадагидан кўп фойда олинди. Аммо барибир агар ўтган йилнинг муайян даврига таққосласак, 3,4 фоиз камроқ бўлди. Халқ ҳўжалигининг ҳамма тармоқлари фойда олиш режаларини бажараётгани яхши, албатта. (Бир қанча қурилиш-монтаж ташкилотлари бундан мустасно.) Афсуски, саноатда топширишни бажармаётганлар ҳамон учраб турибди. Масалан, агар шаҳар бўйича ўтган йил 27 та корхона фойда режасини адо этолмаган бўлса, бу йил улар сони камайиш ўрнига 40 тами ташкилот эди.

Биз фойдани кўпайтириш ҳақида жон кўйдираётган бир паллада зарар кўраётган корхоналар борлиги жуда ачинарлидир. Саноатда улар сони 10 тага етиб қолди. Булар қайсилар дейсизми? «Ўз-Пром» қаноп ишлаб чиқариш фабрикаси, подшипниклар ремонт заводи, «Тошкент» ёғочсоғил корхонаси, пойабзал моделлар уйи, 2-темир-бетон буюмлари заводи, «Алгоритм» заводи, мотор ва Наримонов тошни қайта ишлаш бўйича синов-қуюв заводи ва бошқа корхоналардир.

Қурилиш соҳасида зарар кўриб ишлаётганлар сони бундан ҳам ошди (13 та). Улар орасида 364-қўчма механизацияланган колонна, «Ўзбек-хлопкомаш»га қарашли ремонт-қурилиш идораси, 3-ўйсозлик қўмбинати, «Узсепводмеханизация» трестининг И-қурилиш-монтаж бошқармаси «Пардозлаш-қурилиш» трести, «Среднеаэрогазстрой» трестининг I-қурилиш бошқармаси, «Промстрой» трестининг 92-қурилиш-монтаж бошқармаси ва бошқа ташкилотлар бор.

Кўришиб турибдики, ҳолва деган билан оғиз чучмайди: умумий ютуқларимиз соҳида ҳади анчагина корхона ва ташкилотлар «қун кўрапти». Аммо қачонгача бу ҳол давом этади? Ҳар ким ўз аравасини тортадиган палла келганини тушунириб ўтиришга ҳолат борми?

Ҳозир шаҳар саноат корхоналари тўла ҳўжалик ҳисоби асосида иш юритиб, «ўз юкларини» ўзлари тортишга, ўз иқтисодий кўрсаткичларини тобора яхшилаб боришга интилаётган бир вақтда бундай қўнғилсиз ҳол бизни хотиржамликка солиши мумкин эмас.

Хўжалик ҳисобининг иккинчи усулига ўтиб ишлаётган корхона ва ташкилотлар сони 230 дан ошди. Улар даромадларини нормативлар асосида тақсимламоқдалар. Ана шу 230 дан ортиқ корхона ва ташкилот даромад олиш режаларини анча ошириб бажаришадиган бир вақтда 60 тага ташкилот бунинг уйдасидан чиқа олмайгани сабабларини ана шу ташкилот раҳбарлари ва етакчи мутахассислари чуқур ўйлаб кўрадиган палла келди! Бу гап «Ташкилотроқор», 13-кўприк отряди, шаҳар кимёвий усулда тозалаш маъийиш ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзгипросельстрой» институти ва бошқа ташкилотларга тегишлидир.

Саноат корхоналари фойда олиш маъносиде отни қамчилашари, лоақал ўтган йилги даражадан ўзишга интилишлари керак. Эришилган ютуқлар билан асло қифоляниб қолмайлик.

Айниқса кенжа Бектемир райони, Сергели ҳамда Куйбишев районлари фойда олиш топширигини адо этолмасдан «доғда» қолишадиган экан, амалий таъсирчан тадбирлар ҳақида жиддий ўйлаб кўриш лозим. Негаки фақат шу уч районнинг ўзинигина икки миллион сўм кам фойда олди. Бунга улар ҳудудиде иш олиб бораётган «Промстройиндустрия» ишлаб чиқариш бирлашмаси, 4-дон маҳсулотлари қўмбинати, Тошкент электр машинасозлиги заводи ва иккиламчи рангли металлур ишлаб чиқариш бирлашмаси энг кўп ҳисса қўшишти. Вунинг асосий сабаби, бурюртмалари етказиб бериш бўйича шарнома мажбуриятлари адо этилмапти, сифатсиз маҳсулотлар тайёрлашга йўл қўйилпти. Бунинг касрига саноат корхоналари тўлаган жарималар 8 миллион сўмдан ошиб кетди...


Қурилиш-монтаж ташкилотларининг фойда олиш режасини удалай олмасликлари одатий ҳолга айланиб бормоқда. Юқорида номлари тилга олинган учта район ва Киров, Ленин ва Собир Раҳимов районларида ҳам белгиланган топшириқ бажарилмади қолди. Жами шаҳар бўйича 30 дан ортиқ пудратчи қурилиш-монтаж ташкилотлари фойда режасини удалай олмайпти — улар ололмаётган фойда 7 миллион сўмдан ҳам ошиб кетди.

Биз уларнинг рўйхатини келтириб ўтирмадик, бу — ҳар бир район мутасадди ташкилотларига яхши маълум. Топшириқ—топшириқда, уни бажариб юз ёруғ бўлганга не етсин!

Гапни мухтасар қилганда, бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтишдан олдин галвир сувдан кўтариладиган уялиб қолмайлик, деймиз. Ахир, фойда гоҳи-гоҳида эришиладиган тансиқ нарсга бўлмай, балки ҳар ойда кўлга киритиладиган барқарор кўрсаткич бўлгандагина бизга бахт кўлиб боқилиши унутмайлик.

Х. ИКРОМОВ.

Эртага—Қурувчилар куни



БИЗДА ҳамма касб эгалари жуда ардоқланади. Лекин шундай касб соҳиблари борки уларнинг пешона тери, олтин қўллари билан бунёд этилган бинолар шаҳарлар кўркига кўрк қўшади, одамларнинг турмуш шароитларини яхшилади. Гап жайси ҳўнар эгалари ҳақида кетаётганини англадингиз чоғи. Бу ерда гап саховатли қурувчилар ҳақида бормоқда. Эртага уларнинг анъанавий байрамлари куниб олиш тараддудини кўраётган тошкентлик қурувчиларнинг амалга ошираётган ишлари орасида ўрнак оладиган томонлари ҳам етарлики. Гарчи биз уй-жой қурилиши суръатлари ва капитал маблағларни тўла-

тўқис ўзлаштириш борасида мақтана олмасанда, лекин қурувчиларнинг шахримиз янги даҳаларида бунёд этаётган осмонғар биноларини кўриб дилдан завқланамиз, уларга тасаннолар айтмиз. Шу жиҳатдан олганда шаҳримизда янги бунёд этилаётган Қоратош даҳаси бугунги кунда ўзига хос катта қурилиш майдонига айланган. Бу ерда бири-бирдан чиройли иморатлар кўкка буй чўмоқда. Бу уйлари 12-трестнинг 49-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари барпо этмоқдалар.

Қурувчиларнинг байрами арафасида суратчимиз Тулқин Қаримов шу даҳада бўлди, бунёдкорларнинг ишлари билан яқиндан танишиб

ҲИММАТИ ОЛИЙ КИШИЛАР

энг илғор ва олиҳиммат кишилардан бир гуруҳининг суратини муҳарририятга олиб келди. Унг томондаги юқоридаги суратда энг яхши пайвандчилардан бири Абдумансур Абдураҳмоновни кўриб турибсиз. У ўзининг фидокорона меҳнати билан ҳамкасб дўстларига намуна бўлмоқда. Чап томондаги суратда эса бригада бошлиғи Ўткир Ортиқов ва уни бошлиқ Гуржи Ёғли Хўсаннинг янги бунёд этиладиган бино лойиҳасини муҳокама қилаётган пайтдаги ҳолатини кўриб турибсиз. Пастдаги суратларда эса бунёдкорлар ҳиммати билан қад кўтарган бири-бирдан чиройли осмонғар бинолар ва қурилиш объектдаги кўришни акс эттирилган.



БМТ. БМТ Хавфсизлик Кеңашини Ироқ Қувайтни тағри-қонуний тарада босиб олганлиги ҳақида бу босқиччилик ҳақиқий эмаслиги ҳусусида қарор қабул қилди. Бир овоздан қабул қилинган резолюцияда барча давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ихтисослашган муассасалар бу босқиччиликни тан олмасликка ҳамда уни беносита тан олиш сифатида талпин қилиниши мумкин бўлган ҳар қандай хатти-қарарлар ёки алоқалабдан тийилиб туришига чакирилди. БМТ Хавфсизлик Кеңашини Ироқ ўзининг барча қўшинларини 1990 йил 1 августгача еталган ерларидан зудлик билан олиб чиқиб кетиши лозимлигини яна бир марта таъкидлади.

НЬЮ-ЙОРК. Ироқ президенти Саддам Хўсайн Қувайт ҳудуди босиб олганини эълон қилинганидан сўнг бир кун ўтгач, ўз мамлакатининг кўп миллиардлик қазини Қувайтга ўтказиш ҳақида фармойиш берди, деб хабар қилди Асошэйтед Пресс агентлиги. У Ироқ ИНА агентлигининг айтишларига таяниб, Саддам Хўсайннинг Ироқ мустақиллиги ва хавфсизлигига яид бўлган мажбуриятларга ринос қилмайми, деб айтган сўзларини келтирди. Маълумки, Қувайт Эрон-Ироқ уруши вақтида Бағдоднинг асосий молиявий «донорлари»дан бири бўлган эди. У саккиз йил давом этган урушда Ироққа 15 миллиард долларга яқин пул берганди.

ВАШИНГТОН. Саудия Арабистондаги базаларга юборилаётган Америка қўшинлари Ироқ томонидан кимёвий ҳўжум қилинишидан сақланиш учун ҳисса воситалари билан таъминланмоқда. Пентагон вакиллари раведка маълумотларига таяниб, Ироқнинг ихтиёрида биринчи жаҳон уруши давридан қолган маълум бўлган захарловчи иприт моддани, шунингдек асабини фалаж қилдиган замонавий ва ўлимга маҳкум этувчи газлар борлигини тасдиқламоқдалар. Ироқ Эрон билан уруш вақтида кимёвий қуроудан фойдаланган эди.

ЛОНДОН. Исронл рақибининг миғз километргага радиусда ҳаракат қилдиган ракетага шикаст етказиш учун мўлжалланган «Эрроу» ракетасини биринчи марта синовда қўтказди. Исронл армия радиоси бош министр Шамир «Исронга ҳўжум қилишга журъат этган ҳар қандай мамлакат фалокатга учрайд», дегандиган кейин бир неча соат ўтгач, бу ҳақда хабар берди. «Эрроу» ракетасини яратишда Қўшма Штатлар қатнашмоқда, у лойиҳанинг биринчи босқичида 130 миллион долларга яқин пул берган эди.

(ТАСС).



БИР ПИЁЛА ЧОЙ УСТИДА

ҚУРУВЧИЛАР куни арафасида Акмал Икромов районидеги қурилиш, ишга тушириш — 30, 31 мавзелари, «Изага» сингари янги даҳалар бунёд этилмоқда. Бу бунёдкорлик ишларида 12-қурилиш трести қурувчилари ҳиммат кўрсатишмоқда. Меҳнат қилган — элда азиз, дегандаринде қурувчиларнинг яхши ишлари муносиб тақдирланиб келинмоқда. Шу кунни районнинг илғор қурувчиларидан бир гуруҳига район партия комитети ва район ижроия комитетининг Фахрий ёрликлари ва қимматбаҳо совғалар топширди. М. Еқубов, С. Чекменёв, М. Мираҳмедов ва бошқалар ана шундай мукофотга сазовор бўлдилар.

у-жойларни, мактаблар ва болалар муассасаларини бунёд этмоқдалар. Чилонзор — 30, 31 мавзелари, «Изага» сингари янги даҳалар бунёд этилмоқда. Бу бунёдкорлик ишларида 12-қурилиш трести қурувчилари ҳиммат кўрсатишмоқда. Меҳнат қилган — элда азиз, дегандаринде қурувчиларнинг яхши ишлари муносиб тақдирланиб келинмоқда. Шу кунни районнинг илғор қурувчиларидан бир гуруҳига район партия комитети ва район ижроия комитетининг Фахрий ёрликлари ва қимматбаҳо совғалар топширди. М. Еқубов, С. Чекменёв, М. Мираҳмедов ва бошқалар ана шундай мукофотга сазовор бўлдилар.

Шу кунни боққа тўпланган қурувчилар маза қилиб ҳордиқ чиқардилар. У Юсулов номили маданият уйининг ҳамда А. Қаҳҳор номидаги маданият уйининг даста жамоалари ўзларининг завоқ оладиган куй ва қўшиқларини ижро этдилар. Шунингдек, бу ерда мева ва сабазволлар ярмаркалари очилди. Қурувчилар кунига бағишлаб ўтказилган бу тадбир унинг иштирокчилари қалбига бир олам қувонч бағишлади. Ана шу тадбирда иштирок этган жамоатчи суратчимиз Даврон Аҳмедов олиб келган суратларни эса бугун биз оқшомхоналар диққатига ҳавола этмоқдамиз.



ЭНГ ЯХШИ ЎҚУВЧИЛАР УЧУН

СССР Илмий ва инженерлик жамятлари уюшмаси «Ўзбекистон жумҳурият правленеси камбағал ва кўп болали оилалардаги иқтисодий болалар — 10—11-синфларнинг ўқувчилари учун стипендия таъсис этди. Жумҳурият уюшмаси правленеси ва тармоқ жамятларининг ҳўжалик ҳисоби даромади маблағдан мактаб ўқувчиларидан 60 киши ҳар ойда 50 сўмдан олади.

Стипендия оладиган ўқувчиларни СССР Илмий ва инженерлик жамятлари уюшмаси вилоят бошқармалари ва вилоят ижроия комитетлари халқ таълими бошқармалари ҳузуридаги комиссиялар мактабларнинг педагогика кеңашлари тақдимномаларига мувофиқ танилаб оладилар. Стипендияларнинг тўғри тўланишини, стипендиалар ўзлаштиришини назорат қилиб бориш ҳам шу комиссия зиммасига қўлатилади, бу ўқувчиларни олиёй ўтув юрт-

ларига кириш учун тавсия этиш ҳўжуқи ҳам берилади. Камбағал ва кўп болали оилалардаги иқтидорли ва истеъдодли ўқувчилар учун стипендиялар таъсис этиш қадрлар тайёрлаш миллий программасини амалга ошириш соҳасидаги навбатдаги қадамдир.

(ЎзТАГ).

ШАНБА ОКШОМИДА

Тошкентдан совриндор бўлиб қайтди

Урганч шаҳар ЗАГСининг мудираси Нукулжон Мадррахмонова Собирова Тошкентдан тўй ва бошқа тантанали маросимлари олиб борувчиларнинг жумхурият танловининг лауреати бўлиб қайтди. У ўнлаб насобдошлари иштирок этган мусобақанинг барча шартларини бекусон бажарди, касб маҳоратини, топқирлигини ва фантазияни намойиш этди. Ҳакамлар унга яқдиллик билан биринчи ўринни беришди.

Бу муваффақият тасодифий эмас. Шаҳар ЗАГСда ҳозир кўпгина янгиликлар жорий этилган. Бу ерда ёш келин-куёвни қадимги анъаналарга риоя этиб ўзига хос тарзда қўтиб ола бошланди. Ёшларни оилавий турмушнинг асослари билан таништиришда, меҳнат кесалари, шаҳарнинг дондор кишилари уларга эзгу ниятларини билдиришди.

ЗАГСдаги вазиятнинг ўзи ҳам ўзгарди: келин-куёв ва тантана қатнашчилари учун дам олиш хонаси янги қозилган, зиёрат залли очилган. ЗАГСнинг шундоқ ёнгинасидики ёш келин-куёвлар учун махсус магазини ишлаб турибди. — деб ақулланади ЎзТАГ ахбороти.

Анъаналар— халқ мулки

«СЕНГА БАХТДАН ТАХТ ТИЛАРМАН»



ЯҚИНДАН бери Муҳаммад Тарағай Улугбек номи билан аталаётган богда бог бўлгандан бери бугунгидай тантана ва базм нишонланмаган бўлса керак. Бугун богда катта тўй, ҳа ишонаверинг, тўй бўлганда ҳам оддий тўй эмас, бирданга олмос тўйи, марварид ва никоҳ тўйлари. Сенин-асталик билан бўлсада қадимги урф-одатларимиз, анъаналаримиз қайта тикланмоқда, янгича мазмун касб этмоқда. Кўпинча кумуш ва олтин тўйлари нишонлаётган онахон ва отахонларимиз ҳақида эшитиб қоламиз. Бир-бирларига меҳр-муҳаббатли бўлган бундай инсонларга ҳавас қиламиз.

60 йил биргаликда умр кечириш, яхши-ёмон, ҳаётнинг аччиқ-чучуғини бирга 60 йил баҳам тортиш-чи? Ҳа, ай-тишга осондир балки. Бундай мазмунили усов бирликда умр кўришишнинг сирасорини богдаги тўй сабабчиларидан Маъруфхўда ота Арелонов ҳамда Мунаввархон ая Ойқўжеевалар яхши билннша керак.

Зеро, эндиликда ажримлар, қўйди-қиндилар ҳаддан зиёд кўпайиб кетётган бир паллада бундай тўйлар ҳар кимга ҳам насиб этсин экан. Шундай қилиб Арелоновлар хонадонидagi олмос тўй Акмал Икромов район ижроия қўмитаси томонидан Улугбек богига кўчирилди. Богда ота онаси билан уларнинг 6 нафар ўғиллари, киккита қизлари, аҳил-тотув келин ва куёвлари ҳамда бири-бирдан ширин 38 та набираси-ю 12 та эвараси ҳам ташриф буюрди.

Марварид тўй соҳиблари Ёлжавой ака Мағанов ва у кишининг умр йўлдоши Тўлғаной Мамадалиевалар 30 йил аввалги никоҳ тўйлари ни ёдга олгандек, гуллик дубога чойлаб остида қўлларида гул билан бог ичарисига кириб келдилар. Чойлаб атрофини эса дўсту ерлари, куда-андалари тутиб олган. Олдинда набиралари рақсга тушган. Улар Тоҳир ва Зухро сингари бир йилу бир ой ва бир кунда, яъни 1936 йилнинг 2 февралда дунёга келишган. Муҳаббатлари ҳам Тоҳиру Зухродек бўлиб, лекин тақдирлари уларники сингари аянчли эмас, балки бахтли умр кечирмоқдалар. Ёлжавой ака 1953 йилдан Чкалов номидаги тайёрасозлик ишлаб чиқариш бирлашмасида чилангар бўлиб ишлаб келади. Тўлғаной опа

ҳам келин бўлиб тушгандан буён шу қорхонада беақчи. Тантананага яна бир жуфт — янги оила кураётган йигит ва қиз тақлиф этилган. Улар Бобур Абдумажидов ва Маъсуда Набиқоновалар эди. Ҳаётларидаги энг тарихий, энг масъулиятли дағица никоҳ ўтказиш маросимини «Олмос» ва «Марварид» тўйлари нишонлаётган бахтиёрлар даврасида ўтказаштилар. Ҳамма йигит ва қизларимизга ҳам насиб бўлавермайдингиз бу дам хотирада абадий қолиб, бир кун келиб бу дақиқалар ҳақида эҳтимол фарзандларга сўзлаб беришар. Албатта, бугунги кун келишидан олдин ҳам қиз ҳам йигит хонадонидики қанча-қанча маросим ўтмади дейсиз. «Қиз қидириш», «Йигит-қиз учрашув», «Уй кўрар», «Нон ушатил», «Оқ ўрар», «Мол ёйиш», «Тўй юбориш», «Қиз базми».

Инсон умри давомида урф бўлиб келатган ва каби маросимлар кўп жиҳатлари билан тарбия мазмунини ҳам ўтайд.

Мана, богда энг ҳаяжонли дамлар ҳам бошланди. ЗАГС ходимаси «Олмос» ва «Марварид» тўйлари ни кайд этиб, «Биргаликда 60 йил» ва «Биргаликда 30 йил» нишонларини тақиб қўйди. Микрофонга тадбирнинг ташкилотчиси, А. Икромов район Совети ижроия қўмитаси маданият бўлимининг мудираси Музаффар Жаъфаров ақинлашди. У юбилейларни қўлаб, тўй табрикомасини ўқиб эшиттирди. Ибратли оила қуриб, кўплаб фарзандлар вонга етказганлари учун ёрлиқ ва ташаккурномалар. «Ойла йилдомаси» китоблари билан тақдирлади. Ўша кунги Улугбек номи маданият ва истироҳат боғи мезбони, директор Баҳодир Султонов ҳам табаррук онахон ва отахонларни тўйлари билан муобрақабод этди. Яна маҳаллалари номидан қўмита раислари, фарзандлари ва қариндош-уруғлар олқишладилар.

Богдаги мазкур тадбир том маънода чиройли ва мароқли ўтди. Уни уюштириш ва ўтказишда райондаги «Садокат» инсоний урф-одатлар тўлғараги аъзоларининг хизмати катта бўлди.

Феруза ҲУСАНОВА.

● СУРАТЛАРДА: богда ўтказилган тўй тантаналаридан лавҳалар. Т. Каримов суратлари.



Умри чинорлар

Юз ёш билан юзлашиб

ДОНО кесаларимизни асрий чинорга, азим дарёга ёни қорли чўқиларга қиёслашлари беиза эмас. Чунки, улар жонли тарих, авлодларни болочви улкан кўприк ҳисобланншди. Шундай табаррук отахонларимиздан бири кўҳна Тошкентнинг эски шаҳар мазеидаги Зарқайнар қўчасининг 13-боши бери йўлгада жойлашган 6-уйда истиқомат қиладилар. Юз ёш билан юзлашган Муҳаммаддон бува Муслимов даргоҳига каттаю-кичик ҳўрмат ила зиёрат маслаҳат учун келишди. Отахон молия соҳасида 40 йил, Урта Осиё ва Қозоғистон муслимонлари диний бошқармасининг тафтиш комиссиясида 18 йил раис муовини бўлиб ишлади. «Эркин» маҳалласи комитетининг раиси ва Уринбосари каби жамоатчилик юмушини 10 йиллар давомида бажариб келдилар. У кишининг 4 та қиз, 25 та набира, 37 та эвара ва 1 та чевараси бор. Ақл-идрок, ноёб хотира ва дилкаш сўхбатли буваининг муъжазгина серфайи хонадони доим зиёратчилар билан гўвжум. Ёлда ардоқли отахон фарзандларини меҳнатсевар, халқига, ватанига садоқат руҳида тарбиялагандлар. Табиатан намтарини, ақл тарозисида ўлчаб сўзловчи отахон тинчлик, саломатликни энг катта бойлиқ деб ҳисоблайдилар.

Бир кунги отахонга «Жуда бахтли, эл-юрт таниган доно одамасиз» десам, у киши «Камтаринлик мени камолга етказди» дедилар.

Муътабар отахондан: «Ҳаётингиз мазмунини нимада деб тушунасиз» деб сўрадим. «Волам, — дедилар улар, ҳалоллик, ростқўйлик, унумли меҳнат ва тирикчиликда борига қаноат, йўнга умид қилиб халқ ичиди юрсанг умрга насибага насиба қўшилади».

Пири-бадавлат Муҳаммаддон ота Муслимовга тани сихатлик, руҳан тетиклик тилаб қоламиз!

Улугбек ПУЛАТОВ.

СУРАТДА: 100 ёшли Муҳаммаддон ота эвараси Анваржон билан. Муаллиф сурати.

Ҳикмат—бир ҳовуч олтин

Одамнинг олти иллоти

Бу тўрт тарафли дунёда ҳамон, Олти киши дилини кўрмайсан шодон. БИРИ — ҳасадчидур, қайда бўлмасун, ўзгаларнинг бахти ёнар сийнасини. Ўзидан бошқани бахтли кўрган кун, Аладдан жонига тушади учқун.

ИККИНЧИСИ, гина-адоватчидур. Емон хулқ, ёмонликка даъватчидур. Ўзига қилмас гина-маломат Унинг ўз сийнасини тешар адоват.

УЧИНЧИ, янги бой бўлган киши, Туку-кун икки хил унинг ташвиши. Бир — яна бойлик топиш нияти,

БИРИ — қўлда сақлаб қолиш давлатни, Тўртинчиси, хасис, олтин-кумуш Дилини баробар иккига бўлишни. Ғам еркан, фанқирлик тушмасин ногоҳ, Бўлмағай ёруғ қуларим сиеҳ.

БЕШИНЧИСИ, мансаб талаб кишидир, Ўз этини емак унинг ишидир. Орузси доимо баланддан — баланд, Эзилар ташлолмай мўлжалга қадам.

ОЛТИНЧИСИ, одоб-ахлоқ душмани, Одобиллар унинг хар ноқ душмани. Ўз татиби бенасиб бўлган одобдан, Бошқаларни кўриб, чиқмас азобдан.

Сабр-тоқат ҳақида

Қаноат қилгани учун Анқо қуши, Қўҳиқондан жой олди. Товуқ қаноат йўлидан чиққани учун Тор катакка кириб қолди.

Тама жамиятдан чиқарғай сени, Уни ҳаётдаги, у сени чиқармасдан олдин.

Чигиртка бошидан-ёғи қорни, Қоринсиз чумоли киш гаини ёр. Донмо неҳадта, чарчамас ҳечам, Қўлингдан келганча меҳнат қил! Меҳнат.

Меҳнатдан ёғилур шаънингга раҳмат. * * * * * Донишманднинг энг зўр белгиси. Унинг сабри-тоқатидан билиш мумкин. * * * * * Таърибига суяниб донолар Шундай хулосага келишган. Асил бойлик, кўзи тўлиқ — қаноатдир. Бахт-своят неғиз ҳам шундадир.

Кекса отахонлардан Фатхулла ИБРОХИМОВ ва Абдуфаттох НАБИХУЖАЕВ таъйёрлашган.

Шанба фелъетони

АРЗНОМА

ИЕ, нега шикоятини эълон қилмас экансиз? Ошқоралик замонасидая! Тушунсангизчи, ахир, мўраламган тешигим, бош сўкмаган эшигим қолмади-ку!

Вактингизни олмай деб атайлаб арз қилган идораларим, олган мактубларимни, келиб-кетганларни тадрижий шаклда рўйхатга чизим келдим. Мана:

— 1988 йил январь — декабрь ойлари «Ташкорфот» бирлашмасига қарашли 48-суратхона бошлиғи Б. Гитман ўнатишиб қолиб, уйимиз пойдевори остига захарли дориворлар аралашган ювинди сувларни оқиша бошлади, оқибатда биз истиқомат қиладиган 5 декабрь кўчасидаги 156-уй деворларини нурай бошлади. Бу ҳақда икки ишлар бошқармасининг санитария инспекциясига арз қилдик. Мазкур ташкилот ходимлари тузган актга мувофиқ шаҳар ижрокомининг маъмурий комиссияси суратхонага (Б. Гитманга эмас) 10 сўм жерима солди.

— Бундан даргазаб бўлган Б. Гитман уйимиз ёнидаги, бир машина қозоғга гугурт чақиб, бир неча марта уйимизга ўт қўйишчи бўлди. Дарҳол ёнидан муҳофаза қилиш отрядини

чақирдик, отряд бошлиғи суратхона раҳбарининг бу ҳатти-ҳаракатини протоколларда қайд қилиб, уни жиддий огоҳлантирди.

— Суратхона маъмуриятининг айби билан уй деворининг бир қисми кулаб тушди. (Захарли ювиндилар таъсир қилган экан). Шундан кейин тўппа-тўғри жумхурият аҳолига Маъшии хизмат кўрсатиш аҳолига Маъшии мурожаат қилдик. У ердан оёбюрлик комиссия тузилиб, уйимизга юборилди. Комиссия аъзолари эса «Биз мутахассис эмасмиз», деган маънода протоколни бизга «ҳедая» қилиб ўзлари жуфтаник рослаб қолишди.

— Яна вазирликка бордик. У ерда қўлимизга битта конверт тутқазиди. Очиб кўриб хангу-манг бўлиб қолдик. Унда биттагина гап бор экан: «Сиз Гитман келтирган зарар юзасидан судга мурожаат қилинг. Имзо».

Биз каби адолатталаб қўшнидан қўтулиш учун Б. Гитман тагин икки машина қозоғ чикқиндиларини ёғиб юбориб, уйимизни қуйдиришчи бўлди. Бу ҳақда Октябрь район ёнғин хавфсизлиги бўлимининг справкаси бор.

Б. Гитманнинг уйимизга ўт қўйиш борасидаги ҳатти-ҳаракатлари тўхтамагач, ёнғин хавфсизлиги бўлими бошлиғи Хидиралиевага ёзма равишда тагин арзқўйлик қилдик. Аммо у Б. Гитманнинг танобини тортиб қўя олмади.

Ниҳоят, шу йилнинг январь ойида дардимиз битилган қозонни кўтариб, шаҳар прокуратурасининг умумий назорат ишлари бўйича масъул ходими Р. Султонова хузурида бўлдик. У киши Б. Гитманнинг ҳатти-ҳаракатларини кескин қоралаб, ишни судга ҳавола қилиш лозимлигини айтиди, уч йилдан буён идораме-идора қатнаб сарсон бўлиб юрганлигимиз ҳақидаги ҳужжатларни кўздан кечириб, бизнинг аҳолиимизга қаттиқ ачинди.

Суд шахсий уйнинг қай даражасида хароба ҳолига келиб қолганлигини аниқлаб беришни санитария инспекцияси ходимларидан иборат комиссиясига эмас, биз, даъвогарларнинг ҳақ эканлигимизни, уй чиндан ҳам ёнқилиб, яросиз ҳолда келиб қолаётганлигини исботлади. Эҳтимол сиз Б. Гитманга ҳеч қана-

қа жазо қўлланилмади, деб ўйларсиз. Йўқ, уни юқоридагилар роса койишди, уришишди ва ҳатто яна 50 сўм жерима ҳам (тагин Б. Гитманга эмас) солишди. Аммо биз қўрган зарарни мутасадди биродарларнинг бирортаси сарҳисоб қилиб кўришдикини? Афсуски, йўқ. Фақат техниквий инвентаризация бюроси (ТИБ)даги ҳақгўй ходимлар адолат қилишди. Мана бу ТИБнинг хулосаси: «Шахсий уйнинг умумий нархи 20 миң 955 сўм. Захарли дориворлар аралашган ювинди сувлар бино пойдевори остига мутасил юбориб турилганлиги туфайли 4 та хона, 2 та яёвон, йўлак, бостирма, қишчи ошвона, оиборхона ва бошқа ёрдамчи хоналар яросиз ва холга келиб қолган. 48-суратхона маъмурият томонидан уй соҳибни Т. Насибовга келтирилган зарар 10 миң 314 сўмдан ташкил этади. ТИБ бошлиғи Иброҳимов, техник ИБНБ».

Жазодан қочиб ва чўчиб юрган баъзи оғзи ёпаравуллар эса «Уй Насибовники эмас», «Уйда ҳеч қандай яшамайди», «Бу уй бузиллаган имо-ратлар ҳудудиди», «Захарли ювиндилар суви канализацияга оқизилля-

ти», «Бу уй ер қимирлаш пайтида дарз кетган» ва, ҳатто «каммининг устакеси бор» каби мишмишларни тарқатиб юришди. Уларга жавобим шу: уйда доимий яшаб келаятганим, иморатнинг ер силкиниш пайтида ҳам бирор жойи сўқилмаганилиги, устакма йўлигини маҳаллалик фаоллари — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Х. Қосимов, хурматли отахонларимиз М. Таумраев, Х. Йўлдошев, район ички ишлар бўлимининг устакса инспектори М. Остонакуловларнинг ёзма гувоҳлиги билан танишиб чикинг. Жилла бўлмас ижрокомга мурожаат қилинг. Лоқал миш-мишклар шаҳар турар жой бошқармаси ихтиёридаги лойиҳа институтининг втаки мутахассиси А. Маликов томонидан шу йил 28 февралдаги текширишдан кейин берилган справкага бир назар ташласалар мақбул бўлурди. Унда жумдан шундай дейилди: «Мазкур кўчанинги ушбу қисми учун ҳақи қалай, бу уй канализацияга ҳам тузилмаган».

Ууллас, захарли ювинди сувлар тўхтамай оқавери, вақт йилларни етказмай келавери, биз эса катта-катта арз-дод қилиб юравердик.

Охир-оқибатда шу йил 21 апрель кунини тагинд шипгача кўтарилган огули зах туфайли уйимиз кулаб тушди...

Ҳўш, жўжабирдай жонман, бундан кейинги аҳолиимиз нима кечеди? Аламли хангомалар битилган сон-сонли номлар тўла эил-замбил паёкаларни кўтариб юравериб беллар букачиди-ку, ахир!

Турдали НАСИБОВ, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тупроқшунослик институтининг илмий ходими, биология фанлари номзои.

● МУҲАРРИРИЯТДАН: шунинг маълум қиламизки, олим Турдали аканинг гагини холосини «Оқшом» мухбири А. НУРИМОВ оқизмай-тоқизмай оққа қўйган, холос. Агар арз-гўйини ҳақлигига шубҳа тургиса, ҳужжатлар тўла бир ботмомча келадиган севиз папкадаги вазишлар талабгорларга бемалол тақдим этилади. Чўки шикоят муаллифи масъули шу тарзда қўйган: суратхона мутаассаддилари ё уяни тиклаб беришсин. Аки келтирилган зарарини тўлашсин. Ёки холда... Бас, бу ёнғи энди биз қозн эмаскичи!

Душанба, 13

● УэТВ I
ДИКҚАТИ
«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ
КўРСАТАДИ.
Азиз телетомошабинлар, ёдин-
гизда бўлса, шу йил 24 июнь
кунин сиз Ешлар видеоанали
кўрсатуларини томоша қилган
эдингиз. Бугун эса «Тошкент»
студиясининг ҳаётийлиги остида ёш
жоддорлар тайёрлаган кўрса-
тулар орқали сиз билан яна уч-
рашамиз.
Видеоаналда намоиш этила-
диган асосий кўрсатуларимиз:
«БОЛАЛАР»
«ШУНЧАКИ САРГУЗАШТ»
«ДИЛДАГИ ГАПЛАР»

*
«МЕНИ
БИРОВ
ТУШУНМАДИ
МЕНДАН
БУЛАК...»
«3-СТУДИЯ»
«СИЗ
КУТГАН
УЧАШУВЛАР»
Бундан ташқари видеоаналда
ажойиб инсонлар билан турли
маъзуларда суҳбатлар, сиз йўлла-
ган мактублар шарҳи, янги кў-
шиқлар ва видеокилиплар ўрин
олган.
Кўрсатуларини вақтинин эса энди
сиз баҳолагиз. Қандай қил-
ди! Бу совалга кўрсатувишимиз ав-
валида соат 17.30 дан жавоб ола-
сиз.

19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.30 Москва, «Время».
22.00 «Ахборот».
● УэТВ II
18.00 «Насиб». Фильм-концерт
(«Узбектелефильми»).
18.40 «Тинчлик оқими». Бадний
фильм («Мосфильм»).
ДУШАНБЕ КўРСАТАДИ:
20.30 Москва, «Время».
21.00 «Гулшан» эстрада оркестри
иқро этади.
22.00 «Ахборот».
22.20 «Эзраки ўғрилари». Бадний
фильм.
ТЕЛЕТОМОШАВИНЛАР
ДИКҚАТИГА!
Профшарҳи, муносабатчи билан
душанба, 13 август кунин MT I
кўрсатуларини соат 6.00 дан 12.40
гача УэТВ I канални орқали намо-
иш этилади.

● MT I
6.00 «120 минута».
8.05 «Хайвонот оламиди».
9.05 В. Селиховин чақадни (фор-
тепиано).
9.25 «Сўнгги қадам». «Бизнинг
ташвиҳларимиз шундай». Хуж-
жатли фильмлар.
10.10 «Киноанорема».
11.40 «Зое кетган вақт ҳақида
эртани». Мультфильм.
12.00 «Время». Янгилликлар теле-
визион хизмати.
15.00 «Кичик компания учун кет-
та сира». Мультфильм.
15.15 «Эскимослар рақсага туш-
ганда». Анадирдан кўрсатила-
ди.
15.40 Болалар соати (француз тили
дарси билан).
16.40 «Тўқчиллар амри билан».
Концерт.

17.00 Илмий хабарнома.
17.45 Хужжатли фильм.
18.00 «Время». Янгилликлар теле-
визион хизмати.
18.30 Ҳаркат хавфсизлиги учун.
19.00 «Степанчиково қишлоғи ва у
ерда яшовчилар». Телевизион
бадний фильм. 1-серия («Лен-
тефильм»). Премьера.
20.30 «Время». Янгилликлар теле-
визион хизмати.
21.00 Ёрлалар (реклама, ахборот,
эълонлар).
21.05 «Хиндистонда бир ой». Хро-
никул-хужжатли телевизион
фильм премьераси. Фестиваль
ҳақида.
22.35 «Вақат бир учрашув». Ю.
Антонов кўшқилари.
23.15 «ТСН». Янгилликлар телевизи-
он хизмати.
● MT II
8.00 Эрталабки бадан тарбия
машқлари.

8.20 «Деревьялар». Хужжатли
фильм (Свердловск киносто-
диси).
8.50 Болалар учун қисқа метраж-
ли телевизион бадний фильм-
лар: «Девор» (Грузия телеви-
зионеси), «Курбақа ва эдель-
вейс» («Қозоқтелефильм»),
«Эмилбек ёзи» («Қирғизтеле-
фильм»).
10.00 «Бу фантастик олам». «Фол-
бинлик психодинамикаси».
11.20 Такрорий телефильмлар се-
анси. «Бизнинг устан» (ГДР).
12.40 Поляк композитори Гракни-
на Бацевичнинг мусиқий портре-
ти (Польша телевидениеси).
● * * *
16.35 Автомобиль спорти. Жаҳон
чемпионати. «Формула-1» клас-
сида. Венгриядан кўрсатилади.
17.20 Мусавир В. Ортиқов билан

учрашув. Ашхободдан кўрсати-
лади.
18.00 «Время». Янгилликлар теле-
визион хизмати (сурдо таржи-
маси билан).
18.30 «Кумуш кўнгиракча». «Тур-
нава». Мультфильмлар.
18.55 Коллаж (реклама, ахборот,
эълонлар).
19.00 БССР Давлат телерадиоси.
«Мангунлар ва ўткинчи аҳолилар
ҳақида».
19.30 Тунингиз хайрли бўлсин,
кичкинтойлар! «Мишель ва Ми-
шутка». Мультфильм, 3-қисм.
19.45 «Озарбайжон, 1990 йил
ёзи».
20.45 «Кўрсату эфирга чиқди».
3-сон.
21.10 MT хазинасидан. «Бир ста-
кан сува». Телевизион бадний
фильм («Мосфильм»). 1-серия.
22.15 Отиш спорти бўйича жаҳон
чемпионати кундалиги.

Сешанба, 14

● УэТВ I
17.20 Кўрсатулар тартиби.
17.30 «Узбек тилини ўрганишимиз».
18.00 Футбол бўйича СССР чеми-
онати. «Пехтакор» — «Таври-
я» (Симферополь) — «Пех-
такор» Марказий стадиондан
репортаж. Танафус пайтида —
«Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Раққоса Гулҳаёра Юсупо-
ва». Видеофильм.
20.30 Москва, «Время».
21.00 Мамарасул Бобоев. «Она
қалби». Видеофильм.

21.50 «Азалий йўл». Телефильм.
22.00 «Ахборот».
22.20 «Нотаниш вориси». Бадний
фильм («Ленфильм»).
23.45 Эртанги кўрсатулар тар-
тиби.
● УэТВ II
18.05 П. И. Чайковский. «Йил
фасллари» туркумидан. 2-кўр-
сату.
18.30 «Серафим Фроловнинг му-
ҳаббати». Бадний фильм («Мос-
фильм»).
19.50 Регби бўйича СССР чемпио-
нати. «Звезда» (Тошкент) —
БВА (Монинго). Репортаж.

ДУШАНБЕ КўРСАТАДИ:
20.30 Москва, «Время».
21.00 «Кино оламиди».
22.00 «Ахборот».
22.20 «Бозефти». Марина Кости-
кевич.
● MT I
6.00 «120 минута».
8.00 «Степанчиково қишлоғи ва у
ерда яшовчилар». Телевизион
бадний фильм. 1-серия.
9.30 «Сайёҳатлар клуби».
10.30 «Бу бўлган... бўлганди...».
10.50 «Қанотлар, обқлар ва дум-
лаш». Мультфильм.
10.55 Болалар соати (француз тили
дарси билан).

11.55 Коллаж (реклама, ахборот,
эълонлар).
12.00 «Время». Янгилликлар теле-
визион хизмати.
15.00 «Сехргар ким?» Мульт-
фильм.
15.15 Конго куйлари ва оҳангла-
ри.
15.35 «Мушук ва масхарабоз».
Фильм-концерт («Экран»).
16.20 «Покистон: мураккаб оддий
кунлардан байрамларга».
16.45 Биз ва иқтисодий. «Росси-
я иқтисодийнинг ривожланти-
риш йўллари».
18.00 «Время». Янгилликлар телеви-
зион хизмати.

18.30 «Бор бўл, мусиқа!».
19.00 «Степанчиково қишлоғи ва у
ерда яшовчилар». Телевизион
бадний фильм. 2-серия.
20.30 «Время». Янгилликлар теле-
визион хизмати.
21.00 «Сўз». Адабий-бадний про-
грамма.
23.00 «ТСН». Янгилликлар телеви-
зион хизмати.
● MT II
8.00 Эрталабки бадан тарбия
машқлари.
8.15 «Хайвонот цирки».
9.00 «Образ». Юқори синф ўқу-
вчилари учун адабий кўрсату.
9.40 Болалар учун фильм. «Ар-

лоннинг саргузаштлари. 1-се-
рия («Узбекфильм»).
10.45 «Европа қувончи». Югосла-
вияда халқаро болалар фести-
вали.
11.15 Ритмик гимнастика.
11.45 Такрорий телефильмлар се-
анси. «Баҳорнинг ўн етти лаҳ-
заси». 5-серия.
● * * *
16.30 Алла Аблабердиева куй-
лайди.
17.00 «Раҳмат сиға, доктор».
Хужжатли фильм премьераси
(«ЦСДФ»).
17.25 Ритмик гимнастика.
18.00 «Время». Янгилликлар теле-

визион хизмати (сурдо таржи-
маси билан).
18.30 Баскетбол. Жаҳон чемпио-
нати. Эркаклар. Аргентинадан
кўрсатилади. Танафус пайтида
(19.15) — Тунингиз хайрли бўл-
син, кичкинтойлар! «Мишель
ва Мишутка». Мультфильм. 4-
қисм.
20.15 Коллаж (реклама, ахборот,
эълонлар).
20.20 «Унутмаслик керики». Фай-
ласуф П. Флоренсий ҳақида.
21.10 MT хазинасидан. «Бир ста-
кан сува». Телевизион бадний
фильм. 2-серия.
22.15 Отиш спорти бўйича жаҳон
чемпионати кундалиги.

Чоршанба, 15

● УэТВ I
11.30 «Яши қўшиқчининг қадр-
лаш». Кишлоқдан келган ша-
ҳарликлар. Телефильмлар.
13.15 Такрорий фильмлар экрани.
«Серафим Фроловнинг му-
ҳаббати». Бадний фильм.
● * * *
17.30 Кўрсатулар тартиби.
17.35 Янгилликлар.
Кувноқ ўзини таниттилар
17.40 Болалар учун фильм. «Лей-
лак учди, гош учди» (А. Дов-
женко номли киностудия).
18.55 «Депутат ва ҳаёт».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).

19.45 «Тинчлик ва тараққиёт йў-
лидан». Хиндистон муқталиги
кунига.
20.20 «Кинор япроқлари». Теле-
фильм.
20.30 Москва «Время».
21.00 «Қамолот сари». Марьям
Сатторов ва Абдулҳал Карим-
ов.
21.40 «Абхазия оромгоҳи». Теле-
фильм.
22.00 «Ахборот».
22.20 «Очилсон Отахонов куй-
лайди». Видеофильм.
23.30 Эртанги кўрсатулар тарти-
би.
● УэТВ II
18.05 Телефильм.
18.35 «Марина». Бадний фильм

(А. Довженко номли киностудия-
дан).
19.50 «Тошкент» студияси кўрса-
тади. «Утмишчи келажак йўл».
ДУШАНБЕ КўРСАТАДИ:
20.30 Москва, «Время».
21.00 «Мачуаннома». Мусиқий
кўрсату.
21.40 «Сиртлон изданган. Хужжат-
ли фильм.
22.00 «Ахборот».
22.20 «Хайти деҳота».
23.00 «Азизим Елена Сергеевна».
Бадний фильм (рус тилида).
● MT I
6.00 «120 минута».
8.05 «Степанчиково қишлоғи ва у
ерда яшовчилар». Телевизион
бадний фильм. 2-серия.

9.35 Кевиня Георгияда куйлайди.
10.00 «Уз». Адабий-бадний про-
грамма.
12.00 «Время». Янгилликлар теле-
визион хизмати.
15.00 «Нафис тароналари». Я.
Штраус.
15.50 «Уқуқур тойчоқ». Мульт-
фильм.
16.00 Болалар соати (инглиз тили
дарси билан).
17.00 «Хиндистон: диньдате қатъ-
ят».
18.00 «Время». Янгилликлар теле-
визион хизмати.
18.30 Халқ куйларидан концерт.
18.45 «Орол». Бадний фильм. 1-
серия (Италия).

20.25 Коллаж (реклама, ахборот,
эълонлар).
20.30 «Время». Янгилликлар теле-
визион хизмати.
21.00 Резонанс. «Бу ёни нима бў-
лади?».
22.15 Смоленск рус халқ оркест-
рининг концерти.
23.00 «Рақслар, рақслар, рақслар».
Бал рақслари ижрочилари халқ-
аро кўрғи. Минскдан кўрсати-
лади.
23.45 «ТСН». Янгилликлар телеви-
зион хизмати.
● MT II
8.00 Эрталабки бадан тарбия
машқлари.
8.20 Хужжатли фильмлар: «Кур-
порт шаҳари», «Уста оолғучи».

9.00 «Бор бўл, мусиқа!».
9.45 «Ирқит ўрдақча». Мульт-
фильм.
10.45 Болалар учун фильм. «Ар-
лоннинг саргузаштлари. 2-
серия».
11.10 «Ошхондаги суҳбат ёки
бахтли аёл монолоғи». Хужжат-
ли фильм.
11.30 Такрорий телефильмлар се-
анси. «Баҳорнинг ўн етти лаҳ-
заси». 6-серия.
● * * *
17.00 А. Шнитке. «Ез кечасидиғи
туш».
17.10 «Ердан беринг». Бир хутор
тақдирини. Латвияда хуторларини
тиклаш муаммолари ҳақида.
18.00 «Время». Янгилликлар теле-

визион хизмати (сурдо таржи-
маси билан).
18.30 Баскетбол. Жаҳон чемпио-
нати. Эркаклар. Аргентинадан
кўрсатилади. Танафус пайти-
да (19.10) — Тунингиз хайрли
бўлсин, кичкинтойлар! «Бизде-
ка...».
20.10 Коллаж (реклама, ахборот,
эълонлар).
20.15 «Олча гуллаганда». Телеви-
зион хужжатли фильм премье-
раси («Экран»).
21.35 Д. Мехеш. «Балтазар». Теле-
визион спектакль (Венгрия
телевидениеси). Премьера.
22.30 «Ақл-идорисиз куч керак-
ми».
23.00 Отиш спорти бўйича жаҳон
чемпионати кундалиги.

Пайшанба, 16

● УэТВ I
11.30 Хужжатли фильмлар про-
граммаси: «Авл бўлмақ», «Қад-
рдон ер бўлиги».
12.30 «Хивана ажри». Фильм-
концерт («Узбектелефильм»).
13.00 Такрорий фильмлар экрани.
«Марина». Бадний фильм.
● * * *
17.30 Кўрсатулар тартиби.
17.35 Янгилликлар.
17.40 «Услардаги ажойиботлар».
«Мушукча Жеза ва куча қон-
диси ҳақида». Мультфильмлар.
18.15 «Фанга бағишланган умр».
Профессор Тўғон Эрзаевор.
Тошкент Давлат дорифунуни-
нинг 70 йиллиги олаидан.

18.50 «Дилга ақин кўшиқлари».
Мусиқий кўрсату.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Шеърят дафтаридан».
20.00 «Телетомошабин билан му-
лоқот». Янги Иттифоқ шарт-
номаси.
20.30 Москва, «Время».
21.00 Узбекистон ССР халқ ар-
тисти Қамолдин Рахимов куй-
лайди.
21.30 Сийсий ва иқтисодий маъ-
зуларда суҳбат.
22.00 «Ахборот».
22.50 «Хотира». Узбекистон ССР
халқ артисти Тошхон Султоно-
ва ижоди ҳақида.
23.40 Эртанги кўрсатулар тар-
тиби.

18.05 «Широкор кўллари». Теле-
фильм.
18.20 «Томошабин ва санъат»
(рус тилида).
19.05 «Сўнгги таътил». Бадний
фильм («Мосфильм»).
ДУШАНБЕ КўРСАТАДИ:
20.30 Москва, «Время».
21.00 Уратева шахрининг «Дил
шоа» ансамбли концерти.
21.45 «Витёбск». Хужжатли фильм.
22.00 «Ахборот».
22.20 Бадний фильм (рус тилида)
6.00 «120 минута».
8.05 «Орол». Бадний фильм. 1-се-
рия.
9.45 Кив Давлат филармонияси-
нинг Н. Яқоб раҳбарлигидаги
баянчилар кватрети чақади.

9.55 «Инсон, Ер. Коиноти».
10.55 Болалар соати (инглиз тили
дарси билан).
11.55 Коллаж (реклама, ахборот,
эълонлар).
12.00 «Время». Янгилликлар теле-
визион хизмати.
15.00 «Мусиқий хазина». Р. Ваг-
нер. Опералардан парчалар.
15.55 Мультфильм.
16.20 «Англаб, етмоқчиман». Чер-
нобилдаги авария оқибатлари
ҳақида телевизион хужжатли-
публицистик видеофильм пре-
мьераси.
17.15 «...16 ышгача ва ундан кат-
талар».
18.00 «Время». Янгилликлар теле-
визион хизмати.

18.30 «Бўхча». Мультфильм пре-
мьераси.
18.50 «Орол». Бадний фильм. 2-
серия.
20.30 «Время». Янгилликлар теле-
визион хизмати.
21.00 MT олтин хазинасидан.
И. Л. Андрониковнинг озғиди
ҳикоялари.
22.05 «Овозим билан». Фильм
концерт премьераси (Ленин-
град).
23.05 «ТСН». Янгилликлар телеви-
зион хизмати.
● MT II
8.00 Эрталабки бадан тарбия
машқлари.
8.15 «Образ». Юқори синф ўқу-
вчилари учун адабий кўрсату.
9.35 Болалар учун фильм. «Ғам-
дан кўрққан бахта муассар

бўлмайдми». 1-серия («Бела-
русьфильм»).
10.40 «Евонига йўл» (Минск).
«Шарқий Сибирь». Киножур-
нал. Хужжатли фильмлар пре-
мьераси.
11.20 Ритмик гимнастика.
11.50 Такрорий телефильмлар се-
анси. «Баҳорнинг ўн етти лаҳ-
заси». 7-серия.
● * * *
16.30 «Тикланиш». «Менинг уйим
қарда».
17.00 Ритмик гимнастика.
17.30 «Поморье кўшиқлари».
Петрозаводскдан кўрсатилади.
18.00 «Время». Янгилликлар теле-
визион хизмати (сурдо таржи-
маси билан).
18.30 Баскетбол. Жаҳон чемпио-
нати. Эркаклар. Аргентинадан

кўрсатилади. Танафус пайтида
(19.10) — Тунингиз хайрли бўл-
син, кичкинтойлар! «Бизникида
маҳмонда».
20.10 Коллаж (реклама, ахборот,
эълонлар).
20.15 Телевизион мусиқий абоне-
мент. «Иегуди Менухин Москва-
да ва Ленинградда». 1987,
1989-йиллар. 1-кўрсату.
21.05 «Томошабинлар меҳри со-
вини» кинофестивали. «Пушти
ранг лентали рақс». Телевизион
хужжатли фильм премьераси
(«Киевнауфильм»).
21.35 «Совет-90». Халқаро эстрада
фестивали. Биринчи кун. Польша-
дан кўрсатилади. Танафус
пайтида — Отиш спорти бўйи-
ча жаҳон чемпионати кундали-
ги.

Жума, 17

● УэТВ I
11.30 «Кўра ўчиб қолмаслиги
учун». «Тўйдан сўнг». Теле-
фильмлар.
12.30 Такрорий фильмлар экрани.
«Сўнгги таътил». Бадний
фильм.
● * * *
17.30 Кўрсатулар тартиби.
17.35 Янгилликлар.
17.40 «Фат-Фрумос ва қуш».
«Фунтик ва камилар». Мульт-
фильмлар.
18.00 Футбол бўйича СССР чеми-
онати. «Пехтакор» — «Тирася»
(Тирасполь). «Пехтакор» Марка-
зий стадиондан репортаж. Тана-
фус пайтида — «Ахборот»
(рус тилида).

19.50 «Советлар янги шаронда».
20.30 Москва, «Время».
21.00 Узбек классик кўшиқлари-
дан концерт.
21.50 «Одобнома».
22.00 «Ахборот».
22.20 «Кўрувнинг давоси». Ба-
дний фильм (Свердловск кинос-
тудияси).
23.40 Эртанги кўрсатулар тар-
тиби.
● УэТВ II
18.05 Усмилрлар учун. «Тенгдош-
лар» (рус тилида).
18.50 «Марду майдон». Бадний
фильм («Беларусфильм»).
20.10 «Эркин парвозда». Теле-
фильм.
ДУШАНБЕ КўРСАТАДИ:
20.30 Москва, «Время».
21.00 «Шашмақом» дурдоналари.
22.00 «Ахборот».

22.20 «Оханги эиндаги».
23.20 «Тошлоқда ҳам даррақ ўса-
ди». Бадний фильм. 1-серия.
● MT I
6.00 «120 минута».
8.05 «Орол». Бадний фильм. 2-
серия.
9.45 Бутуроссия конкурснинг
лауреати М. Вахутинский чақади
(сизга, желейка).
9.50 И. Л. Андрониковнинг озғиди
ҳикоялари.
10.55 «Ноҳақ бодрезак». Телеви-
зион хужжатли фильм премье-
раси (Красноярск).
11.15 «...16 ышгача ва ундан кат-
талар».
12.00 «Время». Янгилликлар теле-
визион хизмати.
15.45 «Болалар кўшиқлари Мос-
ка конкурсни».

16.30 Джазга бўлган муҳаббат
бирлаштирган турли касб киши-
лари ҳақида телевизион хуж-
жатли фильм премьераси.
16.45 «Хилма-хилликдаги бирлик».
Индонезия рақслари.
17.15 Компьютер билан мулоқот.
18.00 «Время». Янгилликлар теле-
визион хизмати.
18.30 «Зона. Гоаларнинг машақ-
қатли йўли». «Ҳокимият — Со-
ветларга» туркумидан. Узоқ
Шарқда (Находка портда) эркин
иқтисодий зона яратиш ҳа-
қида.
19.00 Я. Гайдн. «Акс-седо». Кла-
винна ва торли оркестр учун.
19.15 Долзарб репортаж.
19.25 «Гуноҳ болалари». Телевизи-
он бадний фильм («Грузия-
фильм»). Премьера.
20.30 «Время». Янгилликлар теле-

визион хизмати.
21.00 Коллаж (реклама, ахборот,
эълонлар).
21.05 ИИМ маълумотларига кў-
ра...
21.15 «Бу бўлган... бўлганди...».
21.45 «Нигоҳ» программасининг
махсус сони. «Руслар Амери-
каси».
23.00 «ТСН». Янгилликлар телеви-
зион хизмати.
● MT II
8.00 Эрталабки бадан тарбия
машқлари.
8.20 С. Прокофьев, И. Токмако-
ва. «Робин Гуд ёни». Совет
Армияси Марказий академик
театрининг спектакли.
10.15 Рус халқ кўшиқларини Л.
Иванова ижро этади.
10.25 Болалар учун фильм. «Ғам-

дан кўрққан бахта муассар
бўлмайдми». 2-серия.
11.30 Такрорий телефильмлар се-
анси. «Баҳорнинг ўн етти лаҳ-
заси». 8-серия.
● * * *
16.30 «Бизга эса робот ардавала-
шди». Мультфильм.
16.40 «Автопортрет». В. Кривонос
иштирокида мусиқий кўрсату.
18.00 «Время». Янгилликлар теле-
визион хизмати (сурдо таржи-
маси билан).
18.30 «Бу кўшиқни ёдда тут».
Катталар ва болалар учун кўр-
сату.
18.45 «Томошабинлар меҳри со-
вини» кинофестивали. «Мерос-
хўрсиз». Телевизион хужжатли
фильм премьераси («Союзте-
лефильм»).

19.25 Коллаж (реклама, ахборот,
эълонлар).
19.30 Тунингиз хайрли бўлсин,
кичкинтойлар! «Сехргар Юнни».
19.45 Талабларингизга бинован
тақдорланган. «Сизга сизга-
саломатлик тилаймиз» (доктор
Сарчу).
20.30 «Айтишга осон». Телевизион
хужжатли фильм премьераси
(Шимолй Осетия телевидение
студияси).
20.50 Орган куйларидан концерт.
Черновцидан кўрсатилади.
21.20 Спорт ҳамма учун.
21.35 «Совет-90». Халқаро эстрада
фестивали. Иккинчи кун. Польша-
дан кўрсатилади. Танафус
пайтида (23.20) — Отиш спорти
бўйича жаҳон чемпионати кунда-
лиги.

Шанба, 18

● УэТВ I
9.00 «Ассалому алайкум». Муси-
қий кўрсату.
10.00 «Катта бўлишни хоҳламади».
Бадний фильм («Мос-
фильм»).
11.25 «Хизмат кўрсатиш тармоқ-
лари». Кўрсатувишимиз издан.
12.00 Спорт кўрсатулари: 1. «Са-
ломат бўлинг!». 2. «ДОСААФ
— маршал майдонини».
13.00 УэТВ жавонидан. Шукр
Холирзаев. «Қора камар».
Узбек Давлат «Еш гвардия»
драма театрининг спектакли.
14.30 «Инсон ва табиат». Орол
муаммолари.
15.20 «Дил тароналари». Мусиқий
кўрсату.
● * * *
18.00 Кўрсатулар тартиби.

18.05 «Ажойиб гилам». Мульт-
фильм.
18.15 «Узбек тилини ўрганишимиз».
18.45 «Оламга савҳат». Кинокўрса-
ту.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Узбекистон Давлат телеви-
зионеси ва радиоси доторчи
кўшлар ансамблининг концерти.
20.15 «Оқшом эрталари».
20.30 Москва, «Время».
21.00 Телевизион миниатюралар
театри. «Ез кунларининг бири-
да».
22.00 «Хафтаномалар».
22.40 «Едингидми». Бадний фильм
(Свердловск киностудияси).
00.05 Эртанги кўрсатулар тарти-
би.
● УэТВ II
ДУШАНБЕ КўРСАТАДИ:
9.00 «Савту қалом». Адабий-му-
сиқий кўрсату.

10.55 «Узбекистон — менинг му-
ҳаббатим». Фильм-концерт.
11.15 «Душманлар». Фильм-спек-
такль.
● * * *
17.50 Кўрсатулар тартиби.
17.55 «Қора маклар». Телевизион
бадний фильм.
19.30 «Новосты».
19.50 «Мулоҳазалар кўгусида».
Езувчи С. Турсуниинг публи-
цист М. Мулложонова билан
мулоқоти.
20.30 Москва, «Время».
21.00 Жумҳурият халқ артистлари
Нукра Раҳматов ва Жўрабек
Набиевалар куйлайди.
22.00 «Ахборот».
22.20 Ато Хамдам. «Фираб». Те-
леновелла.
23.05 «Тошлоқда ҳам даррақ ўса-
ди». Бадний фильм. 2-серия.
● MT I
6.00 «120 минута».
8.05 «Онам, дадам ва мен».

8.35 «Йил фасллари». Август.
9.35 Тетаристон АССР Давлат
ашула ва ракс ансамблининг
концерти.
10.15 «НЛО: Бельгия учбурчаги».
10.45 «Қалбим, меҳнат учун кўз-
гал». Телевизион хужжатли
фильм премьераси (Новоси-
бирск).
11.25 «Партнёр». Тижорат хабар-
номаси.
11.55 «Пин белгиси билан». Ил-
мий-оммабол кўрсату саҳифа-
ларида.
12.55 «Бурда моден» теклиф эта-
ди.
13.25 Болалар учун фильм. «Мек-
табга йўл» (ГДР).
13.55 Полтава бадний музейи.
14.20 Мультфильмлар: «Винни-
Пух», «Винни-Пух меҳмонга бо-
ради», «Винни-Пух ва сарташ-
виш кун».
15.00 «Америка киноси саҳифа-

рида». Киноконцерт. 1 ва 2-кўр-
сатулар.
16.05 СССР халқ артисти В. Треть-
яков раҳбарлигидаги СССР
Давлат камер оркестрининг
концерти.
17.10 «Халқаро панорама».
17.55 Долзарб репортаж.
18.05 Томошабинларнинг талаба-
рига бинован. «Шерлок Холмс
ва доктор Ватсоннинг саргу-
заштлари». «Агра хазинаси». 1
ва 2-сериялар («Ленфильм»).
20.30 «Время». Янгилликлар теле-
визион хизмати.
21.00 СССР ҳуқуматида.
21.10 «Эта кўк соқол». Катталар
учун мультфильм.
21.30 ССР Иттифоқи Давлат ака-
демик Большой театрида СССР
халқ артисти В. Васильевнинг
ижодий кечаси.
23.55 «ТСН». Янгилликлар телеви-
зион хизмати.

● MT II
7.30 Эрталабки бадан тарбия
машқлари.
7.50 «Оке фарзанди». Телевизион
мусиқий фильм («Экран»).
9.15 У. Сарван. «Ҳақил қилб
кетма». Телевизион спектакль
(Ереван). Премьера.
12.20 «Албанининг жўжаси». Мульт-
фильм.
12.30 Рус тили.
13.00 Баскетбол. Жаҳон чемпио-
нати. Эркаклар. Ярим финал. А-
ргентинадан кўрсатилади.
14.30
УЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДИЕНЕСИНИНГ
«ДУСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ
17.00 Иттифоқдош жумҳуриятлар
студияларининг фильмлари.
«Қочоқ». Телевизион бадний
фильм (Шимолй Осетия теле-
видениеси). Премьера.

18.10 Хужжатли фильмлар.
18.55 Иттифоқдош жумҳуриятлар
кинопублицистикаси. БССР
телевидениеси хужжатли фильми-
нинг премьераси.
19.25 Коллаж (реклама, ахборот,
эълонлар).
19.30 Тунингиз хайрли бўлсин,
кичкинтойлар! «Квакша». Мульт-
фильм.
19.45 «Новый день» группесининг
концерти.
20.30 «Время». Янгилликлар теле-
визион хизмати (сурдо таржи-
маси билан).
21.00 «Совет-90». Халқаро эстра-
да фестивали. Учинчи кун.
Польшадан кўрсатилади. Танафус
пайтида (22.40) — Отиш
спорти бўйича жаҳон чемпио-
нати кундалиги.
Тунги севис
00.35 «31-бўлим ҳалокати». Теле-
визион бадний фильм. 1 ва
2-сериялар («Таллинфильм»).

Якшанба,